



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ
ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ ҲАМДА СЕЙСМИК
ХАВФНИ МОНИТОРИНГ
ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда дунёда талафотли зилзилалар сони ортиб, улар аҳоли ҳаёти ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини доимий такомиллаштириб бориш доирасида мавжуд ва қурилаётган бино-иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, зилзилани прогнозлаш, мониторинг қилиш ҳамда унга тайёргарлик кўришда давлат органлари ва ташкилотларнинг ўзaro алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Республика кенгаши уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда зилзила натижасида аниқланган бино ва иншоотларнинг заиф нуқталарини мустаҳкамлаш ва хавфни бартараф этиш чораларини белгилаб, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Шу сабабли, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ёндашувларни жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада ошириш, кучли зилзилаларни прогноз қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида:

Мазкур бандда назарда тутилган тартибнинг йўлга қўйилиши ва бир нармда ишлашини таъминлаш учун масъул этиб Республика кенгаши (А. Арипов) белгилансин.

1. 2024 йил 1 июндан бошлаб: МСК-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори баллик сейсмик фаол зоналарда янги қурилиши режалаштирилаётган 5 қаватдан юқори тиббиёт объеклари ҳамда 9 қаватдан юқори биноларни актив сейсмик ҳимоялаш қурилмалари, шу жумладан, сейсмоизоляция ва демпфер ускуналари билан лойиҳалаш амалиёти йўлга қўйилсин;

4. Бино ва иншоотлар ҳудудларнинг сейсмик фаоллигига мувофиқ равишда қурилишини ташкил этиш мақсадида: 2024 йил 1 июлга қадар республиканинг барча туман ва шаҳарлари ҳудудлари кесимида минтақавий акселерограммалар рақамлаштирилсин ҳамда уларнинг онлайн базалари шакллантирилсин;

2. 2024 йил 1 июндан бошлаб: МСК-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори баллик сейсмик фаол зоналарда янги қурилиши режалаштирилаётган 5 қаватдан юқори тиббиёт объеклари ҳамда 9 қаватдан юқори биноларни актив сейсмик ҳимоялаш қурилмалари, шу жумладан, сейсмоизоляция ва демпфер ускуналари билан лойиҳалаш амалиёти йўлга қўйилсин;

Мазкур банд доирасида минтақавий акселерограммаларни рақамлаштириш учун масъул этиб Фанлар академияси (Б. Юлдашев) ва Факультетда вазиятлар вазири (А. Қўлдашев), бино ва иншоотларни минтақавий акселерограммаларга мувофиқ лойиҳалаш ва қуриш ишларини назорат қилиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири (Д. Адиллов) масъул этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 июндан бошлаб: янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик оми III - IV тоифа бўлган объектларга бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларни автоматик мониторинг қилиш ускунасини ўрнатиш мажбурий этиб белгилансин;

5. 2024 йил 1 июндан бошлаб янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик оми III - IV тоифа бўлган объектларда газ ва электр тармоқларини кучли зилзила пайтида автоматик блоклаш тизими билан лойиҳалаш тартиби жорий этилсин.

Бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олинмаган маълумотларнинг ягона базасини юритиш орқали мониторинг қилиш тартиби жорий этилсин.

Бунда, сейсмик фаол зоналарда янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик оми III - IV тоифа бўлган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари уларда кучли зилзила содир бўлганда газ ва электр тармоқларини автоматик блоклаш тизими мавжуд бўлган ҳоллардагина шахарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан ўтказилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш учун масъуллар этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири (Б. Закиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

6. Содир бўлган зилзилалар ва фаслардаги намгарчиликлар таъсиридан чўккан ҳамда деформациялар пайдо бўлган бино ва иншоотларни мустаҳкамлаш ишларига илғор, замонавий ва хавфсиз ёндашувларни жорий этиш мақсадида: 2024 йил 1 июлга қадар техник ҳолати қониқарсиз деб топилган мавжуд бино ва иншоотларни "компенсацион инъекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш" услуги орқали қайта тиклаш ишлари эксперимент тариқасида амалга оширилсин;

Мазкур банд доирасида бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускуналарини мажбурий ўрнатилишини назорат қилиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири (Б. Закиров), улардан олинмаган маълумотларнинг ягона базасини юритиш ва мониторинг қилиш учун Тошкент архитектура-қурилиш университети (Б. Тулаганов) масъул этиб белгилансин.

2024 йил 1 октябрга қадар эксперимент натижалари асосида бино ва иншоотлар пойдеворини мустаҳкамлаш ва деформацияларини бартараф этишда ер остидан "компенсацион инъекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш" услуги амалиётга тўлиқ жорий этиш чоралари кўрилинсин.

Бино ва иншоотларда аниқланган хавф бўйича зудлик билан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига (кейинги ўринларда - Республика кенгаши) ахборот киритилади;

18 апрель - Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни



Батир ЗАКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири.

МАШАҚҚАТЛИ
АММО ШАРАФЛИ
КАСБ ЭГАЛАРИ -
сизлар туфайли юртимиз обод
ва кўркам масканга айланмоқда

Аслида, касб-корнинг яхши-ёмони бўлмайди, дейишади. Ҳалол меҳнат, пешона тери, фидойилик билан амалга оширилган ҳар бир ишда катта ҳикмат бор. Аммо шундай хизмат вакиллари борки, улар туфайли уйимиз, оиламиз даврасида беҳавотир яшаймиз. Улар эса кунни тунга, баъзан эса тунни кунга улаб, халқнинг розилиги учун меҳнат қилишади. Уларнинг вазифаси вақт, манзил, шароит танламайди. Матонат, бурчга бўлган садоқат, халққа бўлган меҳр уларни зиммаларидаги улкан масъулиятни бажаришга ундайверса, ажаб эмас. Ўз ҳаловатларидан кечиби, аҳоли учун қўлай яшаш шароити яратишдан тўхтамайдиган соҳа вакиллари - коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларидир.

соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилди. Мазкур эгу ташаббуслар шахсан Давлатимиз раҳбарининг диққат марказида ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлови билан бўлаётгани боис муҳим ижтимоий аҳамиятга эга коммунал соҳа кун сайин такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўп квартиралли уйларни бошқариши янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2023 йил 15 августдаги ПҚ-278-сон қарори коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги қўллаб-қувватловларга замин ҳозирланди. Уй-жой шунчаки бошпана эмас, у инсоннинг кайфияти ва ҳаёт тарзига таъсир этувчи кўрғондир. Ундаги шарт-шароит ва қўлайлик инсонларнинг кунлик муаммоларини бартараф этиб, ишига барака олиб келади. Улар ўзларини шу жамиятнинг бир аъзоси сифатида ҳис қилиб, яшаётган жойида чуқур илдириштига, ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топишга интиладилар.

Дарҳақиқат, юртошларимизга сифатли хизматлар кўрсатиб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилиш ҳам мушкул, ҳам масъулиятли касбдир. Шу боис, сўнги йилларда бу соҳа ривож ва унда меҳнат қилиб келаётган ишчи-ҳодимларга юртимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2018 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"

Қонунни имзолади. Ушбу қонунга кўра, 18 апрель - Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни этиб белгиланди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонида асосан Қурилиш ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилари билан қурилиш, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва-

зирилги ташкил этилди. Бу ўзгариш эса соҳа вакиллари янада катта масъулият юклагани рост. Зеро, ҳар бир оиладаги фаровонлик, халқнинг муносиб турмуш кечириши, қўлай ва шинам муҳитда яшаш кўп жиҳатдан уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг барқарор ва ишончлилигига, ушбу соҳада меҳнат қилаётган жонқуяр ходимларнинг маҳорати ҳамда масъулиятига боғлиқ.

Сўнги йилларда, хусусан ўтган 2023 йилда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

Соҳа ходимларига байрам муборак бўлсин!



Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Одамларнинг оғирини енгил қилиш энг ҳимматли касб. Зеро, коммунал соҳа ходимларининг елкасида аҳоли учун қўлай яшаш шароитларини таъминлашдек катта масъулият ётади. Бугун ана шундай фидойи инсонлар кунини - Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни.

Шу муносабат билан Тошкентдаги Ўзбек миллий академик драма театри-

да ташкил этилган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-

нинг ўринбосари Ачилбай Раматов сўзга чиқиб, соҳа ходимларини байрам билан қутлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров соҳа вакиллари-ни самимий қўллаб, ўз чиқишида шундай деди:

- Ҳурматли Президентимизнинг аҳоли-миз розилигига эришиш, йиллар давоми-да тўпланиб қолган муаммоларини ҳал этиш бўйича топшириқларини, албатта, Сиздек фидойилар билан биргаликда

амалга ошираемиз. Бугун ҳаммамизда эр-танги кунга ишонч бор, минг шукрки, юр-тимиз тинч. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз-ларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини билан самимий муборакбод этаман. Аҳолини рози қилиш, уларнинг дуосини олиш, фаровонлигига хизмат қилиш асосий вазифамиз бўлиши керак. Барчангизга сиҳат-саломатлик, ма-шаққатли, аммо олижаноб фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда омад тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИБИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ  
ҲАМДА СЕЙСМИК ХАВФНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

Мазкур банд доирасида “компенсацион инвекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш” услубини амалиётга жорий этиш учун масъул этиб Тошкент архитектура-қурилиш университети (Б. Тулаганов), эксперимент учун объектларни тақдим этишга масъул этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (К. Тулаганов) белгилансин.

7. Қурилишда давлат назорати сифатини ошириш мақсадида 2024 йил 1 июлда бошлаб янги қурилатган объектларнинг хавф-хатар тоифасини ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий инспекторларнинг иш тажрибасини инobatта олган ҳолда давлат назоратини амалга ошириш ишлари ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш, қурилишда давлат назоратини амалга оширишда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш худудий инспекциялари штат бирликлари сонини қайта кўриб чиқиш учун масъул этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (К. Тулаганов) белгилансин.

8. Қуйидагилар:  
Сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш ҳамда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйича сейсмик хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган худудий чора-тадбирларни амалга ошириш режалари (кейинги ўринларда – худудий чора-тадбирлар режалари) 2 – 15-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. “Йўл харитаси” ва худудий чора-тадбирлар режаларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан:

“Йўл харитаси” бўйича – тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарларига; худудий чора-тадбирлар режалари бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига шахсий масъулият юклатилсин.

Республика кенгаши давлат органлари ва ташкилотлари томонидан “Йўл харитаси” ва худудий чора-тадбирлар режаларида белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин.

10. Республика кенгаши (А. Арипов), Тошкент архитектура-қурилиш университети (Б. Тулаганов) 2024 йил 1 августга қадар Республика кенгаши аъзолари ҳамда соҳага масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларини сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш ва қурилиш назорати соҳаси бўйича ривожланган хорижий давлатларга қисқа муддатли хизмат сафарига юборишни ташкил этсин.

Республика кенгаши аъзолари ҳамда соҳага масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларини хорижга юбориш билан боғлиқ харажатлар (транспорт, меҳмонхона, кунлик ва бошқалар) Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчиликда таққилланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши белгилансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргалай 2024 йил 1 майга қадар худудларнинг зилзилага тайёргарлик кўриш режаларини тасдиқласин ва қонунчиликка мувофиқ ушбу режа асосида аҳолини зилзилага тайёрлаш ишларини ташкил этиб бордин.

12. Худудларда кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш ишларини аниқ илмий прогнозларга асосан ташкил этиш мақсадида 2024 йил 1 майдан бошлаб: Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрог-

ностик мониторинг республика маркази (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан зилзила хавфи ва прогнозига оид хулосаларни ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига қиритиш амалиёти йўлга қўйилсин;

хулосаларда кучли зилзила хавфи ҳақида огоҳлантириш бўлганда, тегишли худудлар раҳбарлари томонидан худудларнинг зилзилага тайёргарлик кўриш режаларига мувофиқ ишлар ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш учун масъуллар этиб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази (Қ. Қўчқоров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

13. 2024 йил 1 июндан бошлаб республика худудиди бўлиб ўтган зилзилалар мониторинги, уларнинг илмий таҳлили ва фаол тектоник ер ёриқларининг харажатлари орқали яқин келажакда қўллаётган кучли зилзила хавфи бор худудларни аниқлаш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда: сейсмопрогностик мониторинг амалга оширилишини ташкил этиш, бўлиб ўтган зилзилаларнинг рақамли маълумотлар базасини шакллантириш ва қайта ишлаш – Марказ томонидан; зилзилаларнинг вужудга келиш механизми, даражаси ва зилзила дарақчаларининг турли геодинамик жараёнларда намоён бўлиши, шунингдек, яқин келажакда қўллаётган кучли зилзила хавфи бор худудларни аниқлаш – Фанлар академияси томонидан амалга оширилиши белгилансин.

Кучли зилзила хавфи бор худудлар аниқланганда, бу ҳақидаги маълумотлар зудлик билан Республика кенгашига қиритиб борилсин.

14. 2024 йил 1 майдан бошлаб ҳар бир худудда кучли зилзилага аҳолини қутқариш ишларига жалб этиш учун волонтерлик гуруҳларини шакллантириш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, волонтерлик гуруҳларига жалб қилинган фуқароларга ҳар чоракда қонунчиликка мувофиқ кучли зилзилада харақатланиш қондалари ва тартиби ўргатилиб, бу йўналишдаги билим ва кўникмалари ошириб борилсин.

Мазкур бандда назарда тутилган амалиётни тўлиқ жорий этиш, волонтерлар гуруҳлари фаолиятини доимий рағбатлантириб бориш учун масъул этиб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) белгилансин.

15. Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Фанлар академияси ҳузурда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Зилзила муҳандислиги олимлари ассоциациясини (кейинги ўринларда – Ассоциация) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ассоциацияга 16-иловага мувофиқ асосий вазифалар юклатилсин.

16. Қуйидагилар:  
Ассоциация вазирлик ва идораларнинг соҳага масъул мутахассислари ва олимлар ҳамда хорижий мутахассислардан иборат таркибда Фанлар академияси томонидан Вазирлар Мақамаси билан келишган ҳолда шакллантирилиши ва ҳар уч йилда янгилаб борилиши белгилансин;

Ассоциация томонидан ҳар чоракда тайёрланган тақлифлар Республика кенгаши томонидан ҳар ярим йилда муҳокаматдан ўтказилиши ва асосланган тақлифлар зудлик билан амалга оширилиши таъминлансин.

17. Сейсмик хавфсизлиқни таъминлаш бўйича амалга оширилатган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчиликка тушунарли тарзда етказиш ишларини ташкил этиш мақсадида:

а) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурбаев);  
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) билан ҳамкорликда фуқароларнинг зилзила вақтида тўғри харақатланишига бағишланган кўр-

сатулар, лавҳалар, роликлар ва эшиттиришлар тайёрланишини;  
ишлаб чиқилган медиа махсуслотлар Миллий телерадиокомпаниянинг барча теле- ва радиоканалларида тизимли равишда эфирга узатилишини таъминласин;

б) Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) билан ҳамкорликда оммавий аxbорот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда сейсмик хавфсизлик тадбирларини амалга ошириш жараёнлари, шу жумладан, фуқароларнинг зилзила вақтида тўғри харақатланиши бўйича ташкил этилаётган кўндондонлик-штаб, махсус-тактик ва объект ўқув машқлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларнинг кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Мақамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Фавқулодда вазиятлар вазири А. Х. Қўлдошев ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. И. Закиров белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юкласин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ҳар ярим йил ақунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига аxbорот қиритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2024 йил 17 апрель

МАШАҚҚАТЛИ  
АММО ШАРАФЛИ  
КАСБ ЭГАЛАРИ –  
сизлар туфайли юртимиз обод  
ва кўркам масканга айланмоқда

1-бет

Кўп қаватли уйлар қурилишининг жадал суръатларда ўсиб бораётгани соҳада замон талаблари асосида чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Шу марҳаба, дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда соҳа бозорига профессионал бошқарув сервис компаниялари кириб келди. Уларга аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш тизимини самарали ташкил этиш асосида қатор имтиёз ва кафолатлар берилди. Уйларни бошқариш соҳасидаги рақобат муҳитини яратиш ва пировардида аҳолининг муносиб турмуш шароитларда яшашини таъминлаш мақсадида бошқарув компаниялар томонидан қўшимча сервис хизматлар бозори яратилди.

Бугунги кунга келиб республикада жами 800 дан ортиқ бошқарув ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Республикада кўп қаватли уйлар сонини жами 41 930 тани ташкил этаятган бўлса, шуларнинг 91 фоизига ана шу бошқарув ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатиб келинаётганлиги ислохотларимизнинг самарасини кўрсатмоқда. Бошқарув компаниялари ҳозирга қадар уйларни таъмирлаш, худудларнинг инфратузилмасини яхшилаш, моддий-техника базасини шакллантиришга ўз ҳисобидан 268 млрд сўм, хизмат кўрсатишга ихтисослашган бино ва ишоотларни қуриш учун 49 млрд сўмдан ортиқ инвестиция маблағларини киритди.

Сўнгги 7 йил давомида кўп квартиралли уй-жой фондиди куз-қиш мавсумига тайёрлаш дастурлари доирасида жами 2 трлн 701 млрд сўм маблағ ҳисобидан 36 мингга яқин уй мукамал еки жорий таъмирланди ҳамда 1 645 та лифт ўсқуналари янгисига алмаштирилди. Охириги йилларда мамлакатимизда марказлашган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олинганлик даражасини ошириш ва шу тариха аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги 7 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшилашга 20 трлн сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 916 та сув иншооти ва 42,8 минг км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортилди. Натижанда республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2017 йилда 63,9 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб ушбу кўрсаткич 77,2 фоизга етказилди. Ушбу давр мобайнида 7,7 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани, 14,5

миллион нафар аҳолининг эса ичимлик суви таъминоти яхшиланиши, албатта, барчамизни хурсанд қилади. Ўтган 2023 йилнинг ўзига ажратилган 5,5 трлн сўм маблағ ҳисобидан 12 минг км га яқин тармоқлар ҳамда 1 740 та иншоотлар қурилди. Натижанда, республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 74,4 фоиздан 77,2 фоизга етказилди, жами 145 та маҳалладаги 11 миллион нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 1 997 та маҳалладаги 2,5 миллион нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2026 йилга келиб, республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 90 фоизга, оқова сув хизматлари билан қамраб олинганлик даражасини эса 35 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу ишлар учун 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиш кўзда тутилган. Жорий йилда сув таъминоти яхшилаш юзасидан ишлар давом эттирилиб, тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ жорий йилда 1 трлн сўмга яқин маблағлар ҳисобидан жами 88 та объектда 1 013 км тармоқлар ва 82 та иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шу билан бирга, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизмати соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳада ягона сиёсат қиритиш ҳамда дастурлар ишлаб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб, мазкур йўналишда 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Қувонарли жиҳати, 2024 йилда ҳам мазкур йўналишда ишлар давом эттирилиб, соҳани тартибга солиш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича дастурлар ҳамда стратегиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.Таянчликда лозимки, иссиқлик таъминоти соҳасида ҳам кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, республика бюджетни маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида 60 дан ортиқ марказий ва маҳаллий қозонхоналар ҳамда 292,9 км узунликдаги иссиқлик қувурларида модернизация-реконструкция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” массивларида 40 дан ортиқ қозонхона қурилди ва 70,0 кмдан ортиқ иссиқлик тармоқлари янгидан тортилди. Натижанда 115 792 қонандондан иборат 3 436 та кўп қаватли уй ва 317 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, охириги 20 йилда илк маротаба Жаҳон банки иштирокида Андижон шаҳридаги РК-2 қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида Андижон шаҳридаги 271 та кўп квартиралли уй ва 32 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъминотига эга бўлди. Шунингдек, Жаҳон банки иштирокидаги “Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлашган иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида Инвестиция дастурига мувофиқ, 2022 йилда 47,6 млн доллар (100,2%) миқдордаги маблағ ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан Андижон, Бухоро, Чирчиқ, шаҳарларида 75 МВт қозонхонани модернизация қилиш, 3 та 25 МВтли янги замонавий қозонлар ва ёрдамчи қурилмалар ўрнатиш, 5 км узунликдаги иссиқлик тармоқлари алмаштириш, 320 та индивидуал иссиқлик шохобчалари ўрнатиш ишлари олиб борилди.

Соҳа вакиллари жорий йилда ҳам улкан мақсадларни амалга оширишда давом этмоқда. Хусусан, ушбу йилда республика бюджети маблағлари ҳисобидан иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 287,5 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳага кўра, 14 та қозонхона, 771 та иситиш қозонлари ва 704 км иссиқлик тармоқларида қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимини ташкил этиш учун 896 та индивидуал иссиқлик пункти (ИИП) ўрнатилади. Натижанда 63 мингга яқин қонандондан иборат 1 292 та кўп қаватли уйлар ва 120 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугунги кунда рақамлаштириш барча иқтисодий тармоқларига кириб келмоқда. Коммунал соҳа ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, иссиқлик таъминоти соҳасида истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида, республикада иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминланган истеъмолчилар учун шахсий ҳисоб рақамлари очилиб, билнинг тизимида истеъмолчиларнинг электрон базаси шакллантирилди. Шахсий ҳисоб рақамлари орқали иссиқлик таъминоти хизматлари учун онлайн тўловларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида электрон тўлов тизимлари – click, payme, uray, paynet ва бошқа иловалар орқали кўрсатилган хизматлар учун тўлов имконини берувчи электрон платформа яратилмоқда. Бундан ташқари, соҳада “Менинг уйим” биллинг тизими ишга туширилди. Тизим бошқарув органларининг ягона, очиқ электрон маълумотлар базасини шакллантириш, мулкдорлар маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, кўрсатилган хизматларнинг сифатини ошириш, уларнинг талаб ва меъёрларга амал қилинишини назорат қилади. Бугунги кунга қадар тизимда жами 1,3 млн дан зиёд абонент маълумотлари шакллантирилди.

Демак, кундан кун гуллаб-яшнаётган Янги Ўзбекистонимиз равнақи, халқимиз турмуш тарзининг юксалишида коммунал соҳанинг ўрни муҳим ва аҳамиятлидир. Бунинг исботини эса оқорида амалга оширилган ишлар ҳам тасдиқлаб турибди.

18 апрель – уларнинг кунини, уларнинг байрами. Коммунал хизмат кўрсатиш ходимларининг ҳар бири, хоҳ раҳбар, хоҳ ишчи бўлсин, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига дахлдор барча ходимлари, хусусий уй-жой ширкатлари ва бошқарув компаниялари вакиллари бугун эътироф ва эътиборга, самимий қўлловга лойиқ.

Азиз ва меҳнатқаш уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, касб байрамингиз муборак бўлсин!

Соҳа ходимларига  
байрам муборак бўлсин!

1-бет

Байрам тадбирида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари, соҳага алоқадор ташкилот ва идоралар ходимлари “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочили” кўркак нишонини билан тақдирланишди. Тақдирланганлар орасида юқори бўғиндан тортиб, куйи бўғинда фаолият олиб боровчи энг фаол соҳа вакиллари таллаб олинганини кўришини муимки.

– Ичимдаги ҳаяжонни тушунтириб беришим қийин, – деди “Сафорт консенсус коммунал” БСК раҳбари, “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочили” кўркак нишонини соҳиббаси Чарос Камчиева. – Аввалги ва бу соҳада фаолият юритишимга ота-онам, оилам қарши эди. Чунки аҳоли билан ишлаш осон эмас. Аммо ҳаргал кишилар оғирини енгил қилганимдан ўзим хурсанд бўламан. Оқдий одамлар қорига яраб, уларнинг кўзидида розилиқдан куч оламан. Қанча қийинчилик бўлса ҳам бу соҳага, юрдошларимнинг қайсик даврасига чуқур меҳр қўйганман. Бугунги эътироф мен учун умуман қўтқарув бўлди. Эндиликда янада кучга тўлиб, халқимизга чин дилдан хизмат қилишда давом этаман.

“Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочили” кўркак нишонини билан тақдирланган яна бир фидойи юрдошимиз Яккасарой туманидаги “Classic building company” бошқарув сервис компанияси раҳбари Шавкат Саримсоқов ҳам ўз фикрлари билан бўлиди:

– Ҳамма бу ҳаёда ахши натижага эришишга, муваффақият қозонишга

ҳарақат қилади. Яқинда давлатимиз раҳбарининг компаниямизга таширфи чоғида ичимдаги эзгу мақсадлар икки қарра бўй чўзди. Келажакка бўлган ишончнинг орди. Бугун давлатимизнинг соҳага бўлган ғамхўрлигига гувоҳиман. Эътироф учун Президентимизга ва вазирлигимизга алоҳида раҳмат айтаман. Уримни, ҳаётимни шу соҳа ривожига тикканимдан сира афсусланмайман. Барча ҳиссиётларимни сизга чиқариб бера олмаганман. Аммо шуни айта оламанки, бу жуда аждоиб ва илиқ ҳиссиёт. Муҳими, жамоамиз бундан ҳам юқори марралар сари одимлашда давом этади. Асло ҳарақатдан тўхтамайман.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда соҳада бир қатор янгилик ва ютуқлар кузатилди. Аҳолининг коммунал тизимга бўлган ишончи ошди. Бу соҳа жамият билан энг яқиндан муносабат олиб боровчи бўғин бўлиб, бунда аҳоли розилигига эришиш бирламчи вазифа ҳисобланади. Эндиликда замонавий технологиялар орқали соҳани янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш устувор вазифа бўлиб турибди.

Аммо булар ҳаммаси эмас. Олдинда вазифалар талайгина. Замон тезкор, шиддатли. Шу сабаб, имкон қадар замон билан ҳамнафас бўлиш, тараққиётда илгариллаш асосий мақсадимиз бўлиши керак. Коммунал соҳа ходимларига эса келгусидаги ишларига омад ёр бўлишини тилаймиз!

Ташкил этилган байрам тадбири Ўзбек миллий академик драма театри ижодкорларининг чиқишлари ва таниқли санъаткорларнинг қуй-қўшиқлари билан кўтаринки руҳда ўтди.

## ҲАЛОЛЛИК ВА ТЎҒРИЛИКНИ ЎЗИГА ШИОР ҚИЛГАН ЧИЛАНГАР

Акматалиқ ҲОЛИҚОВ, журналист.

**Шухратбек Нуралиевич**  
“Худудгаз Андижон” газ  
таъминоти филиалида барча  
ҳурмат билан тилга олади.  
Бунга у ўзининг 30 йиллик  
меҳнат фаолияти орқали  
эришган.

Андижон туманининг Хакан қишлоғи-  
даги Оғулли маҳалласида ўсиб-ўлғайган  
Шухратбек ака 1994 йилдан буён “Худуд-  
газ Андижон” газ таъминоти филиалининг  
“Андижоншаҳаргаз” бўлимида ишлаб  
келмоқда. Илк ишга кирган кезлари ати-  
ги 22 ёшда эди. Ушунда газ тарқатиш пун-  
ктларига хизмат кўрсатиш бўлимида ўз  
фаолиятини бошлаган.

– Дарахт бир жойда кўради, деб бе-  
жиз айтишмаган, – деди Шухрат ака биз  
билан суҳбат чоғида. – Мен ҳам орадан  
шунча йил ўтса-да, касбимни ўзгартир-  
мадим. Боиси, бу жамоа менинг оилам!  
Касбимдан обрў топдим, ҳурмат-этибор  
орттирдим. Дастлабки сабоқни устоз-



ларим Фозилжон Абдуллаев, Комилжон  
Исломовлардан ўрганганман. Улар менга,  
аввало, ростгўй бўлишни, халққа тўғри ва  
ҳалоллик билан хизмат қилишни ўргатиш-  
ган. Уларнинг тарбияси мен учун ҳаёт қо-  
нунига айланди.

Шухратбек Нуралиев қайси ҳудудда  
ишлаганини ҳалоллик билан меҳнат қилди.  
Ўзи ишлаётган меҳнат жамоасига ёмон гап  
ёки эътироз олиб келмади. Утган йиллар  
давомида Боғишамол, Эски шаҳар худуд-  
ларида меҳнат қилди. 5 йилдан бери Ан-

дижон шаҳрининг кўп қаватли уйлари  
табиий газ билан таъминлашда жонбозлик  
кўрсатиб келмоқда. Худуддаги 137 та газ  
тақсимлаш пунктини назоратдан ўтказиш  
ва тартибга биноан сошлаш Шухратбек  
аканинг кунлик иш тартибига айланган.  
Бир кунда ўртача 10-13 та ГПларни назор-  
атдан ўтказди. Газ қувурларининг созли-  
гини текширади. У 248 та кўп қаватли уйга  
газ етказиб беришда фаол иштирок этиб  
келаётгани туфайли 10 мингга яқин хона-  
дон аҳли ундан миннатдор.

Қаҳрамонимизни вилоят газ соҳаси  
ҳодимларининг барчаси бирдек ҳурмат  
қилади. Унга устоз сифатида ҳурмат бил-  
лан муомалада бўлишади. Жамоада қадр  
топган, истемолчиларнинг ҳурмати  
қозонган замондошимизнинг меҳнатла-  
ри ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб  
баҳоланмоқда. Жумладан, у “Ўзбекистон  
Мустиқиллигининг 25 йиллиги” эсдалик  
нишони ва бир неча бор соҳа бўйича  
фахрий ёрликларга муносиб кўрилган.

Орадан ман шундай содда, саним-  
ий, ўз касбининг устаси, аҳоли орасида  
ҳурмат-этибор қозонган коммунал соҳа  
ҳодимлари бор экан, дедим, эзгу амаллар  
бардавом бўлаверсади.

## МЕҲНАТНИНГ ОРТИДА РОҲАТ БОР

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,  
“Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали матбуот котиби.

**“Ҳар бир касбнинг ўз қийинчилиги бор, машаққат эса  
кучли меҳнатни талаб қилади. Астойдил ишига ёндашган  
инсон фаолияти ортидан роҳат кўради”.**



Суҳбат чоғида “Когонгаз” газ таъми-  
ноти бўлимида ишлаб келаётган Луиза  
Ярлигаева айна шу фикрлари билан  
бўлишган экан, йиллар давомида ишига  
бўлган меҳри ва шижоатини алоҳида  
таъкидлади.

Луиза Ярлигаева газ таъминотидаги  
дастлабки фаолиятини назоратчилардан  
бошлаган. Устозлари кўмағида тиним  
билмади. Бугун опанинг шоғирдлари  
бисёр, энди эса ўзи устоз. Қарийб 23 йил-  
лик иш таърибига эга қаҳрамонимиз  
жамоадошларига устоз бўлиб, таъриба  
ва тавсияларини бўлишиб келмоқда.

– Айни дамда газ таъминоти бўли-  
мининг авария диспетчер хизматида  
диспетчер бўлиб ишлаяпман. – деди ўз  
ишидан фахрланиб Луиза Ярлигаева. –  
Қандай вазифада фаолият олиб бормай,  
доим масъулиятни ҳис этиб ишлашга  
ўрганиб қолганман. Ишимиз шунини тақо-  
зо этади. Чунки мақсад битта – аҳолига  
сифатли хизмат кўрсатиш.

Шубҳасиз, касбга бўлган меҳри ва  
содқоқатини унинг фикрларидан англаш  
қийин эмас. Фаолиятини навбатчилик  
асосида олиб бораётган экан, ишига бўлган  
содқоқати 24 соатлик вақт давомида ўзи-  
ни намойён этиб туради.

– Аслида, ҳар бир инсоннинг  
ёшлиқдан мақсади ва нияти бўлади,  
– деди қаҳрамонимиз. – Менинг ҳам  
орзуларим кўп эди. Уларнинг энг асо-  
сийси – халққа хизмат қилиш эди. Бу-  
гун эса ана шу мақсадимга эришдим.  
Фаолиятим давомида истемолчилар-  
дан келиб тушадиган ҳар бир мурожа-  
атга тезкорлик билан жавоб беришга,  
муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга  
ҳамкасбларим билан астойдил ҳаракат  
қилмоқдамиз.

Дарахқикат, меҳнат қилган ҳурмат  
қозонади. Касбининг жонқури бугун  
меҳнати ортидан раҳматлар эшитиб,  
миуннатдорчилик туйғуларини ҳис этиб  
келмоқда.

## Навоийлик электромонтёр аёл

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида, қайси касб эгаси  
бўлмасин, фидойиллик билан касбини ардоқлаб, ўзи  
ҳам ўша касбдан эъзоз топаётган ва кўпчилигининг  
эътирофига сазовор бўлаётганлар бисёр. Хусусан, биз  
хотин-қизларни кўпроқ ижтимоий соҳаларда фаолият  
юртишига ўрганиб қолганмиз. Аммо қанчалик  
ноадатий туюлмасин, бугун эркаклар ишлайдиган  
масъулиятли, керак бўлса, хавфли соҳада 35 йиллик  
тажрибаси билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келаётган  
навоийлик электромонтёр аёл, Елена Сабилванинг  
шарафли фаолияти юксак эътирофга лойиқ.**



Электр энергетика соҳаси кўпчи-  
лик тасавурида эркаклар ишлайдиган  
залворли касб ҳисобланади. Аммо, “На-  
воий худудий электр тармоқлари кор-  
хонаси”да бунинг аксини кўриш мум-  
кин. Ушбу корхона ходими – 35 йиллик  
касб таърибига эга Елена Сабилва  
ҳозирги кунда “Навоий ХЭТК” АЖ бе-  
шинчи подстанциясида техник хизмат  
кўрсатиш бўйича электромонтёр бўлиб  
ишлаб келмоқда.

Қаҳрамонимиз меҳнат фаолияти да-  
вомида эркак ҳамкасбларидан қолиш-  
маган ҳолда, улар билан бир қаторда  
фавқуллода электр токи ўнган жойлар-  
ни бартираф этиш ва соҳадаги тегишли  
ишларда фаол қатнашиб, истемолчилар  
“чирғо”ини ёқиб келмоқда.

– Россиянинг Қонақово шаҳридаги  
энергетика техникумини битирганман,  
– деди Елена Сабилва. – Бизнинг ишда  
масъулият, эътибор ва касбини севиш  
жуда муҳим. Ишимизда фавқуллода ва-

зиятлар учалик кўп бўлмаса-да, бироқ  
об-ҳаво туфайли баъзи ҳолатлар юз бер-  
ганда тезкорлик билан ҳаракат қилиш  
тақозо этилади. Касбимни севаман, ҳеч  
қачон бу соҳани танлаганимга афсуслан-  
маганман. Подстанция ёки электр уску-  
налар ёнида ўзимни эркин ҳис қиламан.  
Корхонамизда барча ҳамкасбларим доим  
мени қўллаб-қувватлашади. Оила аъзо-  
ларим ҳам бу фаолиятимга ҳеч қачон қар-  
ши бўлмаган, касбимни ҳурмат қилишади.

Албатта, қаҳрамонимизнинг ша-  
рафли фаолиятдан ҳам маълумки,  
қизиқиш, интилиш бўлса, ҳар қандай  
хавфли касб ҳам жинс танламас экан.  
Биз қаҳрамонларни доим олислар-  
дан, оламшумул воқеалиқлар ортидан  
излашга ўрганиб қолганмиз. Аммо  
орамизда ҳалол меҳнати билан юрт  
тараққиётига ўз хиссасини қўшиб кела-  
ётган Елена Сабилва каби фидойилар  
ҳам борки, уларнинг камтарона фаоли-  
яти, ҳаёти барчамизга ибратдир.

**Бугун мамлакатимиз коммунал соҳаси  
барқарорлигини таъминлашдек мураккаб  
жараён ортида 90 минг нафардан зиёд  
ходим меҳнат қилмоқда.**

**Биз – ҳар бир хонадоннинг мўътадил ҳавоси,  
сувининг тозаллиги учун ҳаракат қиламиз.**

**Барча юртдошларимизнинг обод уйларида  
қулай ва хавфсиз яшашларини таъминлаш  
масъулиятимиздир.**

**Азиз соҳа вакиллари!  
Барчангизни фахрли касб байрамингиз  
билан қутлаб, келгуси фаолиятингизда  
омад ва муваффақият ёр бўлишини  
тилаймиз!**

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Муҳаббат Ишанова  
11 йиллик меҳнат фаолияти  
давомида талабчанлиги,  
меҳнатсеварлиги ва ўзига  
ишониб топширилган  
вазифаларни сидқидилдан  
бажариши туфайли  
коммунал соҳани  
ривожлантиришга муносиб  
ҳисса қўшиб келмоқда.**

У фаолият олиб бораётган “Юксак –  
коммунал хизмат” МЧЖ шаклидаги бош-  
қарув компанияси Урганч шаҳридаги  
Бўстон, Авесто, Янгиобод, Обихаёт, Беш-  
мерган, Машъал, Бобур, Темир йўли ва  
Жинговуз маҳаллаларида турли миллат  
ва элат кваттирлари истиқомат қилувчи 96  
та кўп кваттирлари уй-жойларга хизмат  
кўрсатади.



Бошқарув компаниясида барча ишлар  
белгиланган режалар асосида ташкил  
этилиши натижасида аҳоли ҳам йилдан

йилга сифатли коммунал хизматлардан  
баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, биргина ўт-  
ган йилнинг ўзида бюртмалар сони 3 120

## Чилангарлик – масъулиятли касб

**Касбини ардоқлаган эл  
орасида обрў-эътибор  
топади. Пастдарғомлик  
Комил Юнусов ана шундай  
инсонлардан бири.**

Ўрта мактабдан сўнг оилавий шароити  
туфайли бирор олий даргоҳга кириш унга  
насиб этмади. Тумандаги қисқа курсни би-  
тириб, ширкат хўжалигида тракторчилик  
қилди. Кейинчалик чилангарлик касбини  
танлашда ҳам шу техникаси сабаб бўл-  
ди. Эскини ямаб, эсинг кетади, деганла-  
рича бор экан. Ўз муддатини ўтаб бўлган  
трактори кунора таъмирталаб бўлаверар,  
пайвандловчи эса уни таъмирталаб чар-  
чамасди.

Илгит кишига қирқ хунар ҳам оз, деган  
ақидага амал қилиб, у аввалига ширкат-

даги чилангарга шоғирд тушди. Кейинроқ  
эса касбни мукамал ўзлаштириш мақса-  
дида олти ойлик курсни битирди. Бу орада  
бир нечта корхонада меҳнат қилиб, таъри-  
ба орттирди. Билмаганларини устозларидан  
сўраб ўрганди. Чилангарлик касби  
ортидан рўзгорига барака кирди, уйлар  
қуриб, тўйлар қилди. Ҳар қандай пайванд-  
лаш ишларини сифатли урдалагани учун  
кунора уни сўраб келиб, бюртма беради-  
ганлар сони ортиб борди.

Вақти келиб, нафақага чиққанда,  
“Энди бу ёғига кексалик гаштини сура-  
ман”, деб уйлаганди. Бироқ, меҳнатда  
топлаган таърибали ишчи ҳеч қачон эл  
назаридан четга чиқиб қолмас экан. Са-  
марқанд шаҳрининг “Микрорайон – А” ху-  
дудидаги 62 та кўп қаватли турар жойлар  
ва яққа тартибдаги хонадонларга хизмат  
кўрсатишга ихтисослашган “Нуридин  
қурилиш сервис” МЧЖ бошқарув сервис

компанияси ташкил этилган, уни ҳам ишга  
таклиф қилишди. Иккинчи йилдирки, та-  
сарруфдаги уйлари қайта таъмирлашда  
унинг касби айниқса, асқатмоқда.

– Фаолиятимиз кенг шаклланиши ва  
3 472 та хонадонда яшовчилар билан мус-  
таҳкам ҳамкорлик қилишимизда чилангар  
Комил Юнусовнинг хиссаси катта, – деди  
БСК раҳбари Учқун Аббосов. – 62 та кўп  
қаватли турар жойнинг 21 таси қаровсиз-  
ликдан таъмирталаб аҳволга келиб қол-  
ган экан. Улар бошқичма-бошқич замон  
талабига мослаштирилмоқда. Уйлар ва  
ертулалардаги пайвандлаш, болалар учун  
спорт майдончаларини қуриш ва бошқа  
ишларни урдалаш чилангарнинг зиммаси-  
га юклатилган. Бу каби ишларни мукамал  
бажараётгани учун ҳам аҳоли у кишини  
ҳурмат қилади.

Айтиш жоизки, собиқ ЖЭКлар ўрнида  
ихтисослашган компаниялар ташкил қи-

линганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қа-  
рамай, бу ерда меҳнат қилаётган таъриба-  
ли ишчи-ҳодимларнинг саъй-ҳаракатлари  
билан кўп қаватли уйларида яшовчиларни  
йиллар давомида қийнаб келган муаммо-  
лари бошқичма-бошқич бартираф этил-  
япти. Уларга муносиб шароитлар яратиб  
берилмоқда. Янги тизим янада юксалиб,  
халқимиз кунглидан мустаҳкам ўрин эгал-  
лашда Комил Юнусов каби ишчиларнинг  
хизмати катта бўлаётганини алоҳида эъти-  
роф этиш лозим.

Дарвоқе, бугун ўз меҳнатларини ая-  
масдан, бор таърибасини амалда қўллаб,  
шу тизимни ривожлантиришга бел боғла-  
ган фидойи инсонлар халқимиз билан  
бирга касб байрамини кенг нишонла-  
моқда. Уларнинг барча мақсад ва орзулари  
амалга ошишига тилақдошимиз!

Ўз мухбиримиз.



## Жаҳон Банки вакиллари билан учрашув

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов Жаҳон Банкнинг “Ер асосидаги молия механизми” миссияси аъзолари билан учрашди.

Учрашув давомида қурилиш соҳасидаги мавжуд молиялаштириш механизми, кўчмас мулк муносабатлари ва бошқа масалаларда фикрлар алмашилди. Тадбир сўнггида вазирлик масъуллари ва миссия аъзолари ўртасида ишчи гуруҳ шакллантирилди ҳамда доимий ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди.



## Республика штаби аъзолари иштирокида йиғилиш



Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 29 январда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида вазир ўринбосари Давронжон Адиллов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи А. Муҳиддинов бошчилигида Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика штаби аъзолари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинг мезонларини қайта кўриб чиқиш юзасидан муҳокамалар ўтказилди. Тадбирда пудрат ташкилотлари рейтинг талаблари ҳамда ҳар бир мезон бўйича белгиланадиган баллар тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Жумладан, пудрат ташкилотларининг молиявий кўрсаткичлари, махсус техникалари рўйхати бўйича берилган тақлифлар ўрганилди.

Шунингдек, белгиланган мезонлар бўйича пудрат ташкилотлари рейтингини шакллантиришда тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон тизимидан олинмаган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида барча маълумотларни олиш механизмининг тақомиллаштириш орқали камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан кўрсатмалар берилди.

## Чирчиқ шаҳрига пресс-тур ташкил этилди

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрига журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди. Тадбир давомида кўп квартиралы уйлари бошқарувчи ташкилотлар фаолияти кўздан кечирилди. Ўрганишлар давомида ОАВ вакиллари қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида 114 мингдан зиёд хонадондан иборат 943 га яқин кўп квартиралы уй мавжуд бўлиб, уларга 16 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Пресс-турда ОАВ вакиллари Чирчиқ шаҳрининг Лола маҳалласида жойлашган 41 та кўп квартиралы уйга хизмат кўрсатувчи “Чирчиқ сервис гр” бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишдилар.

30 дан ортиқ кўшимча сервис хизматлари ҳам кўрсатилади. “Чирчиқ сервис гр” БСК фаолияти давомида 40 та ертўладаги барча ички муҳандислик тармоқларини аниқлаган. 20 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми тўлиқ таъмирланган. Шунингдек, 176 та марказий электр тармоғи, 76 тадан ортиқ кириш йўлакларини мукамал ҳамда 3800 квадрат метр том қисми жорий таъмирланган. Жамoa томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳозирги кунга қадар 25 та замонавий болалар ўйингоҳи барпо этилган.

## Табий офатларнинг олдини олиш бўйича семинар ўтказилди

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Қозоғистон давлат ташкилотлари билан биргаликда Олмаота шаҳрида “Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида табий офатларнинг олдини олиш” мавзусида семинар ўтказилди.

Фавқуллода вазиятлар ва табий офатлар хавфини камайтириш марказида ташкил этилган тадбирда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳам иштирок этишди. Тадбирда Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари ўртасида барқарор қурилиш муҳитини тақомиллаштириш, табий офатлар хавфини камайтириш, табий офатларни бошқариш, хавф-хатардан жамoатчиликни хабардор қилиш тизимлари ҳам муҳокама қилинди.

Жиззах шаҳри маҳаллаларидаги мавжуд инфратузилмаларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт муҳандислик коммуникацияда ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бугунги кунда сифатли шаҳарсозлик норма ва талабларига асосан фойдаланишга қабул қилинган, - деди Инспекциянинг Қурилиш-монтаж

### ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

## ФОРИШ ТОҒЛАРИДАГИ ХАЗИНА ёхуд базальтдан тайёрланган қурилиш материалларининг афзалликлари нимада?

Отaxon олисларга – тоғ ва адирларнинг этакларига кўз тикади. Ўша томонлардан нигоҳини узмай сўзида давом этади.

– Форишимиз катта майдонни эгаллаган, - деди у. - Жиззахнинг энг катта тумани. Тасаввур қилишингиз учун бир мисолни келтираман. Шу кенгликларга нақд иккита Андижон вилоятини সিғдирса бўлади. Лекин ер кўп бўлгани билан ундан фойдаланмасанг нима наф? Бола эдик, сув танқислиги учун тошли кенгликларда фақат мол-қўй боқардик. Деҳқончилик қилиб бўлмасди. Бугун шу тошлар билан тиллашдик. Аниқроғи етти йил аввал туманимизга саноат кириб келди. Олмоссои конидан базальт тошини қазиб олиб, ундан тола тайёрлашни йўлга қўйдик.

Дарвоқе, суҳбатдошимиз Турғунбой ота Кучкунов, “Basalt Uzbekistan” кластери асосчиларидан бири. У ушбу тадбиркорлик субъектини давлат раҳбари қўллаб-қувватлаганида, мамлакатда ишбилармонлик муҳити бугунгидай бўлмаганида бу натижалар қаерда эди дейди. Унинг таъкидлашича, 2019 йил ушбу кластернинг дастлабки корхонаси фаолият бошлаган. Унда базальт тоши қайта ишланиб, базальт толасини олиш йўлга қўйилди. Бу тола шаклидаги хомашёдан эса инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган арматура ва сеткалар ишлаб чиқарилган. Ўша даврда туман саноати учун бу яхши натижа эди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 8 апрель куну ушбу кластер фаолияти билан танишган эди. Ташриф таассиротлари, кластернинг истиқболдаги режалари хусусида корхоналар раҳбарлари билан суҳбатлашдик.

– Давлатимиз раҳбари 2019 йил январь ойида корхонамизга ташриф бую-



риб, унинг фаолиятини янада кенгайтириш бўйича топшириқ берган эди, - деди “Basalt Uzbekistan” кластери тасвирчиси Алишер Кучкунов. - Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотлар турини ошириш кераклигини таъкидлаган эди. Ўша пайтда Президентнинг бу топшириқлари бизга катта мотивация бўлди. Унинг ижросига жиддий киришдик. Утган даврда бозордаги вазиятни чуқур таҳлил қилдик. Инновацион маҳсулотимизга хомашё бўладиган конлар ўрганилди. Энг замонавий технологиялар Германия, Франция, Италия, Чехия каби давлатлардан келтирилди. Натижада 300 гектар майдонда кластернинг жами қиймати 498 миллион долларлик олти корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Уларда ўтган йили 554 миллиард сўмлик 45 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Корхоналарда 177 минг тонна базальт тошидан узлуксиз равишда махсус тола, директ ровинг, фибра, арматура, композит геосетка, кувурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бу маҳсулотларнинг 80 фоизи экспортга йўналтирилган. Харидорлар АКШ, Англия, Польша, Италия, Чехия, Грузия,

Россия, Туркия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлар саналади.

Бугунги кунда бу қимматли маҳсулотларнинг афзалликларини шу соҳага дахлдор тадбиркорларга, халқимизга тушунтириш керак. Бунёдкорлик лойиҳаларида кенг қўллаш ҳар жиҳатдан самарадорлигидан кўпчилик яхши хабардор эмас.

– Анча олдин қурилган кўп қаватли уйлари киш масъумида иситишда муаммолар борлиги сир эмас, - деди кластер тизимидаги “Basalt Wool” корхонаси тижорат йўналиши директори Шероз Нарзуллаев. - Ана шундай уйлари тегишли тартибда базальт қопламалар билан ўраш иситиш билан боғлиқ харажатни 30-40 фоизгача тежайди. Маҳсулот арзон, лекин узоқ муддат хизмат қилади. Деворга базальт материали ишлатиш мустақамликни оширади. Ёнмаслигини ҳисобга олсак, хавфсизлиги ҳам юқори дейиш мумкин. Умуман, базальтдан тайёрланган қурилиш материаллари зангламайди. Енгил лекин, анча мустақам. Бетон қоришмаларининг ишқорли муҳитига, тузли ва кислота аралашмага чидамли. Шунча устуңлик, шунга қарамай маҳсулот нархи нисбатан арзон.

Яна бир муҳим томони 1 минг 700 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

– Бу завод очилгунча кўп давлатларда, оиламдан узоқда ишлаганман, - деди корхона ишчиси Шоҳруҳ Абдуллаев. - Иш шaroитимиз, ойлиқларимиз яхши. Уч маҳал иссиқ овқат, уйга бориб-келишга транспорт берилади. Бу ерда меҳнат қилаётганидан мен каби хурсанд ишчилар қанча. Бир нарсани билдим, оилага яқин жойда ишласангиз топан-тутганнингизда яхши барака бўлар экан.

Келгуси йил кластернинг корхоналаридан бири – “Басфбер трейд” томонидан йилига 25 минг тонна базальт тошидан тола ва мато ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Хозирги пайтда 145 миллион долларлик зарур ускуналар келтирилган. Бу янги лойиҳа асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ички эҳтиёжни қоплаш билан бир қаторда, 90 фоизи экспортга йўналтирилади. Яна 1 минг 500 та янги иш ўрни яратилади.

Яқин истиқболда бу ердаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар автомобилсозлик, авиация, текстиль, кимё, нефть-газ соҳаларида ҳам қўлланиши мумкин.

## Мақсад – аҳоли турмуш тарзини юксалтириш

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур фармонга мувофиқ, 2023 йилда Жиззах вилоятида жами 3 минг 115 та хонадонли 84 та, шундан “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 минг 480 та хонадонли 26 та, уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда тадбиркорлар томонидан 1 635 та хонадонли 58 та кўп қаватли уйлар қурилиши кўзда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 130-сонли Раёсат баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси 2023 йил 28 декабрдаги хатига асосан уй-жойларни фойдаланишга топшириш мuddати 2024 йилга узайтирилган.

Бугунги кунда вилоятда “Янги Ўзбекистон” массивларида 276 та хонадонли 4 та уй фойдаланишга топширилган. 22 та уйларда қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилиб, мазкур объектларда инспекция томонидан назорат ишлари олиб борилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ипотека кредити асосида 1 минг 635 та хонадон режада белгиланган бўлиб, бугунги кунда мазкур уй-жойларнинг 1 минг 820 та хонадон фойдаланишга топширилган.

– Ҳозирги кунда қурилишларни кузатиб, биргина “Агротех” МЧЖ мисолида айтидиган бўлсак, бу қурилиш пудрат ташкилоти томонидан барпо этилган кўп қаватли бинолар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бугунги кунда сифатли шаҳарсозлик норма ва талабларига асосан фойдаланишга қабул қилинган, - деди Инспекциянинг Қурилиш-монтаж

ишлари устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи Шоҳруҳ Солиев. – Мазкур бино кўп қаватли турар жой биноси сейсмик талабларга тўлиқ жавоб бериб, ШНҚ талаблари асосида қурилган. Бино қурилиши рўйхатдан ўтиб, ҳозирги кунга қадар инспекция томонидан бириктирилган мутахассис томонидан назорат ишлари олиб борилган. Аниқланган камчиликлар бўйича ёзма кўрсатмалар берилган, жарималар қўлланилган. Хозирги кунда бино фойдаланишга қабул қилинган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, инспекция томонидан назорат тартибда 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида 526 та назорат ишлари олиб борилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан пудрат ташкилотларига 295 та, буюртмачи ташкилотларга 294 та, лойиҳа ташкилотларига 294 та, жами 883 та кўрсатмалар берилган.

– Кўп қаватли мазкур уйга бириччилардан бўлиб кўчиб келганмиз, - деди Муқаддас Қодирова. – Мазкур турар жойдан 110 квадрат метр бўлган хонадонни икки йиллик кредит асосида харид қилиб, тўловларни ёпганмиз. Иссиқ пол, лифт, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари, электр энергияси ва табий газ тармоқлари барчаси яхши. Лифтларнинг бузилиши ёки коммунал тизимдан бIRON бир носозлик кузатилгани йўқ.

Жиззах шаҳри маҳаллаларидаги мавжуд инфратузилмаларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт муҳандислик коммуникацияда ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бугунги кунда сифатли шаҳарсозлик норма ва талабларига асосан фойдаланишга қабул қилинган, - деди Инспекциянинг Қурилиш-монтаж

## ХАЛҚАРО ЕР КУНИГА бағишланган конференция

Жавлон САДИКОВ, Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети матбуот котиби.

Университетда Халқаро Ер куни муносабати билан “Ўздаверлоиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти, Кадастр агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси, Республика Аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлинмаси, Давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси ҳамкорлигида “Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда геоматика соҳасида эришилган ютуқларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференцияни университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор Аброр Гадаев кириш сўзлари билан очиб берди.

– Бугунги кунда жаҳонда илм-фан ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ қилиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда, - деди Аброр Гадаев. – Шу боис, бу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган мазкур конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантиришга қаратилган сазий-харақатлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, очилмиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати, Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси Баҳадир Тажиёв, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий кенгаши раиси, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори Абдушукур Ҳанзаев, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори, Абдушукур Абдуллаев, “Ўздаверлоиҳа” ДИЛИ бош директори Рухиддин Тураев сўзга чиқиб, халқаро конференция ишига омад тиладилар.

Ушбу конференциянинг асосий мақсади – республика ва Жаҳонда Ер ресурсларини бошқариш соҳасидаги ўзаро илмий-ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, олимларга фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиб бериш, фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш ҳамда



илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, давлат кадастрлари ҳамда геоинформатика бўйича фаолият юри-таётган олимларни тармоқлараро илмий тадқиқотларга йўналтиришдан иборат. Шунингдек, халқаро миқёсдаги илмий жамиятларга жалб этилишини кенгайтириш, ОТМ ва ИТМларнинг халқаро академик алмашувини кучайтириш, ер тузиш ва кадастр соҳаларига оид илм-фан ютуқлари ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Халқаро илмий анжуманда маҳаллий олий таълим муассасалари олимлари билан бир қаторда Россия, Мўғулистон, Беларусь, Украина, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон илмий тадқиқот олийгоҳларидан 20 га яқин хорижий эксперт маъруза ва тадқиқотлари билан иштирок этидилар.

Конференция сўнггида юртимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни назорат қилишни ривожлантиришга доир илмий асосланган долзарб масалалар бўйича муҳокамалар ҳамда музокаралар олиб борилди. Берилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида резолюция қабул қилинди.



## Кўзи ожизлар учун "АҚЛЛИ ҲАССА"

Азиз МАШРАБОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сурхондарёлик ака-ука Машхурбек ва Абдумалик Қаршиевлар ҳамда уларнинг синглиси Муҳаррам оддий ҳассани инновацион "ақлли ҳасса"га айлантирадиган ноёб қурилма яратдилар. Бу кўриш қобилияти бўйича ногиронлиги бўлган инсонларга кўпроқ мустақил ҳаракатланиш ва жамият ҳаётида ижтимоий фаол бўлишга ёрдам беради. Инновацион қурилмани яратиш ғояси Қаршиевларда ўз худудларида кўришда ногиронлиги бўлган одамларга ёрдам бериш истагидан пайдо бўлди.



Термизлик иқтидорли ёшлар UNICEF амалга ошираётган UPSHIFT дастури доирасида ўз жамоасини тuzдилар. Дастур Ўзбекистон ёшлари учун тадбиркорликда янги ечимларни тақдир қилиш орқали ўз жамиятларидаги муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечимини топиш учун ажойиб имкониятлар. Мазкур дастур аҳолининг заиф қатламлари яшайдиган худудларда жуда муҳимдир.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Европа Иттифоқи ва "Истиқболли авлод" Республика ижтимоий-ахборот маркази томонидан

қўллаб-қувватланадиган дастур ёшларга ўз жамиятидаги муаммоларни аниқлаш ва улар учун ечимларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган кўникма ҳамда ресурсларни тақдим этади.

Термиз шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги Мухиддин Тоғаев лойиҳа билан яқиндан танишди. Кўзи ожизлар учун "ақлли ҳасса" яратган ёш инноваторларни ИХМА Сурхондарё вилоят бошқармаси қўллаб-қувватлашни билдириб, келгусида ҳамкорликда ишлашларини таъкидлади.

Машхурбек доимо янгиликлар, тадқиқотлар қилишга қизиққан. "Ақлли ҳасса" ғояси эса бошқаларга ёрдам беришда унга ўз маҳоратини қўллаш имкониятини берди.

"Ақлли ҳасса" технологияси кўриш бўйича ногиронлиги бўлган одамларнинг мустақил ҳаракат қилиш имкониятини оширишга, уларнинг жамиятда фаол бўлишларига қаратилган. У овозли ёрдамчи, акселерометр ва компас ҳамда доимий янгилашиб турадиган функцияларни ўз ичига олади.

– Электрон ҳасса учун турли сенсорлар, хусусан, тўсиқларни аниқлаш учун ультратовушли сенсорлардан фойдаландик, – деди Абдумалик. – Шунингдек, бу қурилма қоронғуда ўз ёруғлиги орқали бошқаларга фойдаланувчини кўришга ёрдам беради. Узига хос мазкур инновацион ҳасса 1-2 метр масофадаги тўсиқларни билиш учун ультратовушли масофани аниқлаш технологиясидан фойдаланади. Бу эса фойдаланувчини тебраниш ва товуш орқали оғохлантиради. JPS функцияси фойдаланувчининг қаерда эканлигини аниқлайди ва у йўқолиб қолган тақдирда ақлли ҳассани кузатиш имконини беради. Ҳасса устидаги рефлекторлар ёрдам кераклиги ҳақида йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларини оғохлантиради.

– Хар бир инсон бошқалар билан тенг муносабатга лойиқдир, – деди Муҳаррам. – Дискриминацияни одамлар ўзлари юзига келтирадилар. Келинг, жамиятимизда ҳаммага нисбатан адолатли муносабатда бўлиш учун биргаликда ҳаракат қилайлик.

Абдумалик ўз режалари билан ўртоқлашар экан, шундай деди:

– Ўзбекистонда ёшларга ишонч билдирилиб, имкониятлар яратилса, уларнинг салоҳияти чегара билмайди. Биз бошқаларни илҳомлантириш ҳамда барча учун яхши келajak йўлида ўзгаришлар ташаббускори бўлишга ҳаракат қилдик. Ақлли ҳасса кўриш қобилиятида муаммоси бўлган одамлар ҳаётида ҳақиқий ўзгариш яратиш, уларда ҳаракатчанлик, мустақиллик, ишонч ва қадр-қиммат туйғусини оширишга ёрдам беради.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир ҳайъати раиси),  
Шерзод Хидоятлов,  
Давронжон Адилов,  
Озода Жўраева,  
Козим Туяганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

### ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **Нашириёт уйи МЧЖ томонидан** нашрга тайёрланди.

**"ЎЗБЕКISTON БУНЫДКОРИ" НАШИРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик, "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАСКЛИТИ" ДУК, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 90-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-30-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сурхондарё вилояти:** 94-916-99-77.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-441. 1688 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсۇл.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Ҳўжаева.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

Ўза яқуни – 22.30.  
Топширилди – 23.50.

12 3 4 5 6

### СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР

## Мурожаатлар ижобий ҳал бўляпти

Беҳзод АХМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Гулистон шаҳридаги "Сайқал" МФЙ худудида жойлашган айрим кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан кўп қаватли уйларнинг тарнов қисмларини ўрнатиб берилиши юзасидан Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Сирдарё вилояти ҳудудий инспекциясига мурожаатлар келиб тушган эди.

Инспекция ва бошқарув сервис компанияси ишчи-ҳодимлари биргаликда фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатга асосан, жойига чиқиб ўрганиш олиб боришди. Мурожаат ижобий ҳал этилиб, кўп қаватли уйларнинг тарнов қисмлари ўрнатиб берилди.

## Ноқонуний қурилишлар бартараф этилмоқда

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси раҳбар ходимлари, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Сирдарё вилояти ҳудудий инспекцияси, Янгиер шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ва бошқарув сервис компанияси ходимлари билан биргаликда ўрганиш ишлари олиб борилди.



Ўрганишлар давомида Янгиер шаҳридаги "Шодлик" МФЙ, Қулчилар кўчасида жойлашган 3-сонли кўп қаватли уй, 8-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро И. Усмонов ўз уйининг туташ худудини темир панжара билан ўраб олгани аниқланди.

Инспекция ходимлари томонидан фуқаро И. Усмоновга ноқонуний равишда кўп қаватли уйларнинг туташ худудларида хар хил турдаги биноларни қуриш ва ўраб олиш мумкин эмаслиги тушунтирилди. Акс ҳолда, жаримага тортилиши мумкинлиги тўғрисида ҳуқуқий тушунтириш берилганидан сўнг фуқаро ўз ҳоҳиши билан уйининг туташ худудига ўраб олинган темир панжаларни олиб ташлади.

Шу билан бирга, ушбу худудда истиқомат қилувчи фуқароларга ноқонуний равишда кўп қаватли уйларнинг ички қисмларини ўзгартириш, туташ худудларига турли хилдаги ноқонуний биноларни қуриш ва атрофини ўраб олиш мумкин эмаслиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилди.

## "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Шаҳрисабз пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорларининг 2023 йил яқунлари бўйича йиллик навбатдаги умумий йиғилишини ўтказди.

#### КУН ТАРТИБИ:

- Умумий йиғилиш регламенти ва санақ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил яқуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил яқуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
- Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил яқуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият ташқи аудиторининг 2023 йил молия-хўжалик яқуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
- Жамиятнинг иштиёрий тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш.

Ҳурматли акциядорлар, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси 110-уйда жойлашган "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ Сизга 2024 йил 10 май кuni соат 11.00 дан бошлаб оқоридига манзилда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 6 май ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 10 май кuni соат 10.00 да бошланиб соат 11.00 гача давом этади.

Умумий йиғилиш қатнашчиларининг паспорти, акциядорлар вакилларининг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

**Йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида ахборот (маълумот)лар билан танишиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:** 97-381-45-43.

"Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ ижроия органи

## ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил апрель ойининг 19-22 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Жамоатчилик билан алоқалар (Ахборот хизмати) бўлими бош мутахассиси **Чарос Садинова**, Иш юритувчи **Элмира Баймуратова**, Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Нурбек Бекмуродов**, ёрдамчи **Уmid Азимов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси **Сайёра Тажидходжаева**,

"O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетаси мухбири **Адхам Эгамбердиев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси АКТ бўлими етакчи мутахассиси **Раметулла Борбаев**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Бухоро вилояти филиали котиби **Ойбек Ёдгоров**,

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Суюнбой Раҳмонов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси маъмурий ишлар бўйича администратори **Юнус Қудратов**,

Самарқанд вилояти, Жомбой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Соҳиб Вафоев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Аброр Бойбўсинов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўъбаси бошлиғи **Илҳомжон Эшимбоев**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси электромонтёри **Қудрат Полвонов**,

Тошкент вилояти Ангрен туманидаги "Ангрен иссиқлик энергияси" ДУК Режа-техник бўлими бошлиғи **Юлия Мавраева**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиқалма туманидаги "Boston Kommunal Story" МЧЖ БСК бош директори **Қадир Мискинов**,

Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги "Sadriddin Yangibaveich Group" МЧЖ БСК бош директори **Садриддин Қоржоев**, "Nuriston Kommunalchisi Boshqaruv Kompaniyasi" МЧЖ бош директори **Хусан Аҳмедов**,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги "Kamunalchi Diamond Servis" МЧЖ БСК бош директори **Нодир Чўлиев**,

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги "Мумтоз сервис Янгийўл тумани" МЧЖ БСК бош директори **Нигора Абдувалиева**,

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги "Elobod Kommunal Servis" МЧЖ БСК бош директори **Фахриддин Маматов**, Учтела туманидаги "Uchmakon Servis" МЧЖ БСК бош директори **Камола Тажиеваларни** таваллуд кuni билан чин дилдан муборакбод этилади.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



## “PHOENIX HOUSE” БСК ВА “BIRINCHI PARISIEN KOMMUNAL” ХУЖМШ ЖАМОАЛАРИ

**18 апрель –  
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
БИЛАН СОҲАДА ФАОЛИЯТ  
ЮРИТАЁТГАН БАРЧА  
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ  
ТАБРИКЛАЙДИ.**

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб,  
халқ фаровонлиги ва юртимиз равнақига  
ҳисса қўшишдек масъулиятли вазифани  
бажаришингизда сизларга улкан  
муваффақият тилаймиз.

